

Аракан муҳожирларига 60 миллион долларлик ёрдам кўрсатилди



16:15 / 18.02.2019 2277

Бангладешда қўним топган аракан муҳожирларига АҚШ томонидан БМТ билан ўзаро ҳамкорлик лойиҳаси доирасида 60 млн. долларлик гуманитар ёрдам кўрсатилди, деб хабар беради IQNA.

Ушбу гуманитар ёрдам муҳожирлар учун лагерлар қуриш, озиқ-овқат етказиб бериш, ичимлик суви билан таъминлаш, тиббий ёрдам, ижтимоий ҳимоя ва таълим бериш каби йўналишларни ўз ичига олади.

Маълумки, 2017 йилнинг август ойидан бошлаб Мьянма давлати томонидан олиб борилаётган мунтазам босимлар натижасида 1 миллионга яқин Аракан мусулмонлари ўз ерларини тарк этишга мажбур бўлган бўлса, шу пайтгача 6 минг атрофида мусулмонлар урушлар қурбонига айланган.

Шу сабабдан ҳам БМТ томонидан Мьянма армияси ўз фуқароларига нисбатан олиб бораётган қаттиққўллиги сабаб, дунёдаги энг ёмон армия сифатида танқид остига олинган.

***Islom.uz* портали таҳририяти**